



ҚАРЗ ОЛУВЧИНИНГ ҲАЁТИНИ СУҒУРТА ҚИЛИШ

**Бош Директорнинг 2022 йил «25» июлдаги №39сон
буйруғи билан
ТАСДИҚЛАНГАН**

**ҚАРЗ ОЛУВЧИНИНГ ҲАЁТИНИ ИХТИЁРИЙ СУҒУРТА ҚИЛИШ ШАРТНОМАСИНІ ТУЗИШ
ТҮФРИСИДА ОММАВИЙ ОФЕРТА**

Умумий шартлар

Ушбу Оммавий офертада Қарз олувчининг ҳаётини ихтиёрий суғурта қилиш шартномасининг (бундан бүён матнда –Суғурта шартномаси) барча шартлари берилган. Ушбу оферта шартларини қабул қилиш ва келишилган суғурта мукофотини тұлаш, унинг шартларини қабул қилиш ва Суғурта қылдирувчининг Суғурта шартномасини тузишга розилигини англатади. Суғурта қылдирувчи томонидан суғурта мукофоти түланганлық факти тасдиқланган, суғурта шартномасини тузищда унинг томонидан күрсатилған телефон рақамига суғурта полиисининг электрон файлы юборилади ва Суғурта шартномаси тузилған деб ҳисобланади. Суғурта шартномаси суғурта мукофоти түланған вақтдан бошлаб күчга киради.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 370-моддасига мувофиқ, ушбу Оферта шартларининг сўзсиз қабул қилиниши (акцепти) Оферта шартларининг қабул қилиниши деб ҳисобланади, бу эса қуидагилар учун розиликни ифодалайди:

- ушбу Оферта шартлари, шунингдек, унда күрсатилған суғурта шартлари билан;
- Аризани тўлдириш давомида күрсатилған шахсга тегишли маълумотларни қайта ишлаш, хусусан, йиғиши, тизимлаштириши, тўплаш, сақлаш, аниқлаштириши, фойдаланиши, шахсийлаштириши, блокировка қилиш, йўқ қилиш (йўқ қилиш түфрисида хабар бермасдан), суғурта фаолиятини амалша ошириш мақсадида автоматлаштирилған ёки 5 йил давомида автоматлаштирилмаган усулда қайта иглаш учун сақлаш, шунингдек, уларни Суғурта шартномаси шартларини бажариш учун ички ҳужжатлар алмашинувини таъминлаш мақсадида учинчи шахсларга узатиши.

Оммавий офертанинг қуида баён қилинадиган матни Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 369-моддасига мувофиқ шартнома тузиш бўйича расмий оммавий таклифда _____ «_____» билан Қарз шартномасини тузиш мақсадидаги жисмоний шахсларга мўлжалланади.

Суғурта қылдирувчи лаёқатли, Ўзбекистон худудида доимий ёки вақтинча яшовчи, Суғурталовчи билан ушбу Оферта шартларида Суғурта шартномасини тузган Ўзбекистон фуқаролари бўлиши мумкин.

Суғурта қылдирувчи ўзининг хукуқ ва лаёқатларини тасдиқлайди, шунингдек, Агентнинг онлайн хизмати (матнда бундан кейин - «онлайн-сервис») орқали суғурта шартномасини тузиш натижасида ўзига юкландиган мажбуриятлар учун жавобган эканини билади.

Онлайн тартибда онлайн-сервис орқали Суғурта шартномасини тузиш учун Суғурта қылдирувчидан мобил телефон рақамининг бўлиши талаб этилади.

Суғурта қилдирувчи томонидан онлайн-сервисда Суғурта шартномасини тузиш учун зарур ва мавжуд барча маълумотларни киритиш суғурта учун ариза саналади.

Суғурталовчи Суғурта қилдирувчи ва Суғурта шартномасида кўрсатилган бошқа жисмоний шахсларга тааллукли шахсий маълумотларни Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонуни талабларига мувофиқ сир сақлаш ва ошкор қилмасликни таъминлаш мажбуриятини олади.

«Оферта», «Суғурта шартномаси» ва «Суғурта полиси» иборалари бундан буён матнда ушбу электрон ҳужжатга нисбатан бир хил мазмунга эга бўлади.

1.1. АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР:

1.1.1. Суғурталовчи - «ALFA LIFE INSURANCE» АЖ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги томонидан 25.02.2022 й.да берилган №000036-сонли Лицензия асосида ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурта фаолиятини олиб боради.

1.1.2. Суғурта қилдирувчи – Суғурталовчи билан ушбу Оферта шартларида Суғурта шартномасини тузган лаёқатли жисмоний шахс.

1.1.3. Наф оловчи – суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товонини оловчи шахс.

1.1.4. Суғурта полиси – Суғурта қилдирувчи билан Суғурталовчи ўртасида Қарздорнинг ҳаётини ихтиёрий суғурта қилиш шартномаси тузилганини тасдиқловчи ҳужжат. Суғурта полиси Суғурта қилдирувчи томонидан суғурта мукофоти тўлиқ миқдорда тўлангандан сўнг унинг электрон манзилига юборилади.

1.1.5. Суғурта ҳодисаси –ушбу Оферта ва Суғурта шартномасида кўзда тутилган воқеа бўлиб, унинг белгиланган суғурта даври ва географик худудда содир бўлиши билан Суғурталовчининг суғурта таъминотини Наф оловчига тўлаб бериш мажбурияти юзага келади.

1.1.6. Суғурта даври – Суғурта полисида кўрсатилган вақт, унинг давомида Суғурталовчи суғурта ҳимоясини тақдим этади (суткада 24 соат). Суғурта шартномасида келишилган суғурта шартлари суғурта даврида кўрсатилган давр мобайнида юз берган воқеалар бўйича амал қиласи.

1.1.7. Суғурта пули – Суғурта полисида кўрсатилган пул маблағлари суммаси, Суғурталовчи мажбуриятларининг энг юқори ҳажмини ифодалайди.

1.1.8. Суғурта мукофоти – Суғурта полисида кўрсатилган суғурта учун тўлов, Суғурта қилдирувчи ушбу Офертада белгилаб берилган тартиб ва шартларда Суғурталовчига тўлаб беради.

1.1.9. Суғурта товони – ушбу Офертада кўзда тутилган суғурта ҳодисаси содир бўлганда Суғурталовчи томонидан суғурта пули чегарасида Наф оловчига тўлаб бериладиган пул маблағлари суммаси.

1.1.10. Агентнинг онлайн-сервиси – фойдаланиш бўйича мутлақ хуқуқлар Агентга тегишли бўлган ва Агент томонидан интернет тармоғида фойдаланувчиларга суғурта полисларини сотиш, шунингдек, суғурталовчининг тизими билан интеграциялашган суғурта шартномаларини бевосита тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш бўйича хизматлар кўрсатиш мақсадида фойдаланиладиган дастурий-аппарат комплекси.

1.1.11. Қарз шартномаси /Кредит шартномаси /Микрозайм тақдим этиш тўғрисидаги шартнома – Суғурта қилдирувчи билан тижорат Банки ўртасида Суғурта қилдирувчига Кредит шартномасига мувофиқ кредит/микрозайм тақдим этиш тўғрисида тузилган шартнома.

2. СУҒУРТА ҲОДИСАСИ ВА СУҒУРТА ОБЪЕКТИ

2.1. Суғурталанувчининг ўлими билан боғлик бўлган мулкий манфаатлари суғурта шартномаси бўйича суғурта объекти ҳисобланади. Суғурта қилдирувчининг қонунга зид манфаатлари суғурта қилинмайди.

2.2. Ушбу Суғурта шартномаси бўйича суғурта химоясининг амал қилиш даврида турли сабабларга кўра юз берган Суғурталанган шахснинг ўлими суғурта ҳодисаси саналади.

2.3. Суғурта ҳодисаси деб кўриладиган воқеа эҳтимолийлик ва тасодифийлик белгиларига эга бўлиши керак.

3. ИСТИСНОЛАР

3.1. Агар суғурталанган шахснинг ўлими Суғурта шартномаси (Полиси)нинг амал қилиш даврида бевосита ёки билвосита қўйидаги сабабларга кўра содир бўлган бўлса, суғурта ҳодисаси деб эътироф этилмайди ва Суғурталовчи суғурта пулини тўлаб бериш мажбуриятидан озод этилади:

3.1.1. ОИТС касалликлари, ОИВ-инфекциялари, онкологик касалликлар, руҳий касалликлар, агар мазкур касалликлар суғурта ҳодисасини юз беришига таъсир кўрсатган бўлса;

3.1.2. суғурта ҳодисасини юзага келишига сабаб бўлган ёки ёрдам берган Суғурта қилдирувчи/Суғурталанган шахс, Наф олувчи томонидан қасдан қилинган ҳаракатлар, ўзини мудофаа қилиш ва ўта муҳим зарурият ҳолатида содир этилган ҳаракатлар бундан мустасно;

3.1.3. Суғурта қилдирувчи/Суғурталанган шахс ва/ёки Наф олувчининг жиноий ёки маъмурий хуқуқбузарлик белгиларига эга бўлган хатти-ҳаракатлари;

3.1.4. ўз жонига қасд қилиш (Суғурталанган шахснинг ўзини ўзи ўлдиришга сукасд қилиши);

3.1.5. Суғурталанган шахс томонидан ўзига тан жароҳатлри етказилиши;

3.1.6. Суғурталанган шахс томонидан хавфли иш фаолиятини амалга ошириш давомида қонун талабларига риоя этмаслик, ёнфинга қарши қоидаларни бузиш ва бошқа хавфсизлик чораларини кўрмаслик;

3.1.7. Суғурталанган шахс томонидан экстремал спорт турлари билан чекланиб қолмаган ҳолда, қўйидагилар билан ҳам шуғулланиш: қояларга чиқиш, альпинизм, парашют спорти, овчилик, отда юриш, автопойгалар, мусобақаларда ҳайдовчи ёки иштирокчи сифатида қатнашиш, авиация спорти, спортнинг кураш турлари ва мусобақаларида иштирок этиш, дайвинг билан шуғулланиш, ҳаво шаридаги учиш;

3.1.8. Суғурталанган шахснинг таркибида этанол, алкогол булган суюқликлар, кучли таъсир кўрсатувчи (наркотик) препаратлар билан заҳарланиши, агар препаратлар шифокор тавсиясига биноан қабул қилинмаган бўлса, шунингдек, маст бўлиш мақсадида қабул қилинган токсик моддалар билан заҳарланиш;

3.1.9. Суғурталанган шахснинг хар қандай учиш аппаратида, лицензияланган авиакомпанияга қарашли йўловчи кемаларда учishi бундан мустасно;

3.1.10. касбий ва/ёки меҳнат фаолияти қўйидаги шахслар томонидан бажарилганда: автопойгачи, альпинист, дарахт кесувчи, верхолаз, водолаз, ҳарбий, геолог, жокей, тоғ чанғиси инспектори, синовчи (автотранспорт, самолет), каскадер, космонавт, кранчи, киморхона ходими,

куръер (пул етказиб берувчи), пиротехник-портлатувчи, профессионал спортчи, парашютчи, атом электрстанцияси ишчиси, спелеолог, инкассаторлик хизмати ходими, қутқариш хизмати ходими, йиртқич ҳайвонларни парваришловчи, портлаш ишларини амалга оширувчи, кўприк қурувчиси, тинеллар қурувчиси, стюард/стюардесса, цирк ходимлари: йиртқич ҳайвонлар ўргатувчиси/дрессировкачиси, акробат ва б., шахтер, портловчи моддаларни ишлаб чиқариш ва сақлаш ҳодими, учиш-кўтариш таркиби, денгиз ва дарё кемалари экипажи аъзоси, Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий кучлари ва ҳукукни муҳофаза қилиш органлари хизматчиси, ўт ўчирувчи (ёнгин хавфсизлиги ҳодими), курол олиб юриш ҳукуқига эга хавфсизлик хизмати ҳодими, айғоқчи/детектив, тан соқчиси.

3.1.11. ҳарбий ҳаракатлар, маневрлар ёки бошқа ҳарбий тадбирлар, оммавий тартибсизликлар, ҳукумат томонидан қонуний тартибда эълон қилинган фавқулодда ёки маҳсус ҳолатларда, уларнинг оқибатлари, халқ қўзғалонлари, иш ташлашларда;

3.1.12. террористик актларда;

3.1.13. ядро портлаши оқибатида, радиация ёки раидиофаол ёки кимёвий зарарланишларнинг таъсирида;

3.1.14. табиий ва техноген тавсифдаги фавқулодда вазиятлар, қуйидагиларни ҳам ўз ичига олган, лекин булар билан чекланиб қолмаган: зилзила, сув тошқини, ёнгин, сурилма, қўчки, вулкан отилиши, цунами.

3.2. Суғурталовчи қуйидаги воқеликларнинг бирида ҳам суғурта пулинин тўлашни рад қилиши мумкин:

3.2.1. Суғурта қилдирувчи/Суғурталанган шахс томонидан суғурта шартномасини тузиш пайтида суғурта обьекти, суғурта хавфлари, суғурта ҳодисаси ва унинг оқибатларига оид ёлғон маълумотларни берса;

3.2.2. юз берган суғурта ҳодисасини ўрганиш жараёнида Суғурталовчига тўскинлик кўрсатилган тақдирда;

3.2.3. Суғурталанган шахс суғурта ҳодисаси юз берган вақтда алкоголь, наркотик ёки токсик моддалардан маст ҳолатида бўлса;

3.2.4. Суғурта ҳодисаси рўй бергани тўғрисида Суғурталовчининг Шартнома (Полис)да белгиланган вақт давомида хабардор қилмаса;

3.2.5. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларида назарда тутилган бошқа ҳодисалар.

3.3. Агар Суғурта шартномаси (Полиси)да бошқаси кўзда тутилмаган бўлса, суғурта ҳодисаси Суғурта шартномаси(полиси)да белгиланган даврда, бевосита ёки билвосита қуйидаги сабабларга кўра юз берган бўлса, Суғурталовчи суғурта товонини тўлаб бермаслиги мумкин:

1) Суғурта қилдирувчининг ўз жонига қасд қилиши, агар суғурта ҳодисаси Суғурта шартномаси амал қилишининг дастлабки икки йили давомида юз берган бўлса (Суғурталанган шахснинг ўзини ўзи ўлдиришга суиқасд қилиши);

2) ОИТС касалликлари, ОИВ-инфекциялари, онкологик касалликлар, руҳий касалликлар, агар мазкур касалликлар суғурта ҳодисасининг юз беришига таъсир кўрсатган бўлса;

4. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Суғурта қилдирувчининг ҳуқуqlари:

- Суғурта шартномасини муддатидан аввал бекор қилиш;
- Суғурталовчидан суғурта шартномасига мувофиқ ўз мажбуриятларини бажаришини талаб қилиш;
- Суғурталовчидан суғурта шартлари, суғурта шартномаси бўйича ўз хуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириб беришни талаб қилиш;
- Суғурта шартномасида кўзда тутилган воқеа юз берганда суғурта тўловини олиш;
- йўқотилган тақдирда суғурта полиси дубликатини олиш.

4.2. Суғурта қилдирувчининг мажбуриятлари:

- суғурта мукофотини суғурта шартномасида белгилаб берилган микдорда, тартибда ва муддатлар тўлаш;
- Суғурталовчини суғурта қалтисликлари ҳолати тўғрисида хабардор қилиш;
- Суғурта ҳодисаси содир бўлгани тўғрисида Суғурталовчини зудлик билан хабардор қилиш, ҳар қандай ҳолатда ҳам суғурта шартномасида белгилаб берилган муддатдан кечиктирган ҳолда;
- Ушбу суғурта шартномаси бўйича суғурта ҳодисаларининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш.

4.3. Суғурталовчининг хуқуқлари:

- Шартномада белгиланган шартларда суғурта шартномасини муддатидан аввал тугатиш;
- Суғурта қилдирувчидан суғурта шартномасига мувофиқ ўз зиммасига олган мажбуриятларини бажаришини талаб қилиш;
- Ушбу шартнома шартларига мувофиқ суғурта товоини тўлаб беришдан бош тортиш;
- Суғурта ҳодисаси келиб чиқишининг сабаблари ва ҳолатларини текшириш.

4.4. Суғурталовчининг мажбуриятлари:

- суғурта ҳодисаси рўй берган тақдирда суғурта шартномасида кўрсатилган микдорда, тартибда ва муддатда суғурта тўловини тўлаб бериши;
- суғурта сирини таъминлаш;
- Суғурта қилдирувчи (суғурталанувчи) ёки Наф олувчи ёхуд унинг вакили томонидан суғурта тўловини тўлаб бериш учун зарур бўлган барча хужжатлар тақдим этилмаган тақдирда, уларни етишмаётган хужжатлар тўғрисида Суғурта қилдирувчидан хужжатлар олинган вақтдан бошлаб 5 (беш) кун ичida хабардор қилиш.

4.5. Ушбу бобда келтирилган тарафларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари тўла-тўкис эмас. Суғурта шартномаси ва Ўзбекистон Республикасининг Қонун хужжатлари билан тарафларнинг бошқа хуқуқ ва мажбуриятлари қайта кўриб чиқилиши мумкин.

5. СУГУРТА ҲОДИСАСИ РЎЙ БЕРГАНДА ШАХСЛАРНИНГ ХАТТИ-ХАРАКАТЛАРИ

5.1. Суғурта қилдирувчи (Наф олувчи) суғурта ҳодисаси юзага келгани тўғрисида хабар топганда, зудлик билан, бироқ, воқеа содир бўлган вақтдан бошлаб 20 (йигирма) календар

кунидан кечиктирмасдан, агар сұғурта шартномасыда бошқа муддат белгиланмаган бўлса, Сұғурталовчига ёзма равишида хабар бериши шарт.

Бунда Сұғурта қилдирувчи (Наф оловчи) Сұғурталовчига сұғурта ҳодисасыга тааллуқли барча ҳолатлар, етказилган зарар турлари ва миқдорлари тўғрисида барча зарур маълумотларни хабар қилишга мажбур.

5.2. Агар Сұғурта қилдирувчи (Наф оловчи) узрли сабабларга кўра Сұғурталовчини юқорида кўрсатилган муддатларда сұғурта ҳодисаси юзага келгани тўғрисида хабардор қила олмаган тақдирда, у зх вақтида хабардор қила олмагани сабаблари тўғрисида ёзма равишидағи тушунтириш хатини тақдим этиши, керак бўлса уни ҳужжатлар билан тасдиқлаши зарур.

Бунда, агар Сұғурта қилдирувчи томонидан сұғурта ҳодисаси тўғрисида Сұғурталовчини хабардор қилмаслик ёки ўз вақтида хабардор қилмаслик, Сұғурта қилдирувчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра юзага келган бўлса ва ушбу ҳолатни тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар тақдим этилган бўлса, у ҳолда, хабардор қилмаслик ёки ўз вақтида хабардор қилмаслик Сұғурталовчи томонидан сұғурта товонини тўлашни рад этиш учун сабаб бўла олмайди.

5.3. Хабар бермаслик ёки ўз вақтида хабардор қилмасликнинг асосли сабаблари Сұғурта қилдирувчига боғлиқ бўлмайди, яъни: енгиб бўлмас кучлар, хусусан, ушбу ҳолатда фавқулодда ва олдини олиб бўлмайдиган шароитлар (форс-мажор), буларга қўшимча, аммо чекланиб қолмаган тарзда: табиий ҳодисалар, ҳарбий ҳаракатлар ва х.к. бўлиши мумкин.

6. СҰҒУРТА ҲОДИСАСИ СОДИР БЎЛГАНЛИГИНИ ВА ЗАРАРЛАР МИҚДОРИНИ ТАСДИҚЛОВЧИ ҲУЖЖАТЛАР РЎЙХАТИ

6.1. Сұғурта тўловини амалга ошириши учун Сұғурталовчига қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- 1) Сұғурталовчи томонидан белгиланган шаклда сұғурта пулини олиш учун ариза;
- 2) Сұғурталанган шахснинг ўлими тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси ёки ўлим расмий қайд этилгани тўғрисидаги билдиришнома нусхаси;
- 3) Сұғурталанган шахснинг ўлими тўғрисидаги тиббий гувоҳноманинг нусхаси ёки ўлим сабаблари кўрсатилган ўлим тўғрисидаги тиббий гувоҳнома корешоги нусхаси;
- 4) Сұғурталанган шахсда мавжуд бўлган касалликлар ҳақида маълумотларни ўз ичига олган, бераётган муассасанинг тасдиқланган муҳри бўлган беморнинг амбулатор даволаш тиббий картасидан кўчирма;
- 5) агар сұғурталанган шахс ўлими стационарда юз берса, стационар беморнинг тиббий картасидан кўчирма, асли ёки муассаса муҳри билан тасдиқланган нусхаси;
- 6) Сұғурталанган шахс мурдасини патологоанатомик (суд-тиббий) экспертизаси хulosаси (агар экспертиза ўтказилиши ёки ўрганиш Ўзбекистон Республикасининг норматив ҳужжатларида кўзда тутилган бўлса), асли ёки ҳужжатни берган муассасанинг муҳри билан тасдиқланган нусхаси;
- 7) Наф оловчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси;
- 8) мерос ҳуқуқларига киришини тасдиқловчи ҳужжатнинг асли ёки нотариал тасдиқланган нусхаси;
- 9) Наф оловчининг банқдаги ҳисобвараги;
- 10) банқдан қарз (кредит) шартномаси бўйича қолган қарздорлик миқдори тўғрисидаги маълумотнома (хат).

6.1.2. Сұғурталовчи қўйидаги ҳужжатлари талаб қилишга ҳақли:

1) агар Суғурталанган шахснинг ўлими ҳодисаси факти бўйича хукуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан жиноий иш очилиши тўғрисида масала кўрилган тақдирда, хукуқни муҳофаза қилиш органларининг жиноят иши қўзғатилиши тўғрисида ёки қўзғатишни рад этиш тўғрисидаги қарори ёки мазкур органлар ёки суд томонидан жиноят ишини тўхтатиш тўғрисидаги қарори, ёхуд суд хукми (қарори), ёки кайд этилган органлар томонидан ушбу ҳужжатларнинг тасдиқланган нусхалари;

2) суғурта ҳодисаси Суғурталанган шахснинг ўз хизмат мажбуриятларини бажариши вақтида юз берган бўлса – ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодиса ёки соғлиққа бошқача тарзда шикаст етказганлик тўғрисидаги далолатнома ёки мазкур далолатноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

3) суғурта белгиларига эга ҳодисанинг содир бўлғанлигини, унинг сабабларини, заарнинг миқдорини тасдиқловчи тегишли ваколатли органлардан ҳужжатлар (ёнғин хавфсизлиги, хукуқни муҳофаза қилувчи);

4) Суғурта ҳодисасига алоқадор бўлган ва/ёки Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган Суғурталовчи томонидан ёзма равища сўралган бошқа ҳужжатлар.

6.2. Агар Наф олувчи суғурта пулинни олишни учинчи шахсга ишониб топширган бўлса, суғурта товонини олиш хукуқини берувчи шончноманинг асл нусхаси ёки нотариал тасдиқланган нусхаси тақдим этилади

6.3. Агар Наф олувчи вояга етмаган бўлса ва унинг ота-онаси, фарзанд асраб олувчи ёки васий суғурта тўловларини олиш хукуқига ега бўлса, унда ариза берувчининг суғурта товонини олиш хукуқини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳам тақдим этилиши керак (товон пули олувчисининг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномасининг нусхаси, васийлик/асраб олиш ҳужжатларининг нотариал тасдиқланган нусхалари).

6.4. Агар Наф олувчи лаёқатсиз шахс бўлса ва унинг васийси суғурта товонини олиш хукуқига эга бўлса, ариза берувчи томонидан суғурта товонини олиш хукуқини тасдиқловчи ҳужжатлар (нотариал тасдиқланган васийлик ҳужжатлари нусхалари) ҳам тақдим этилади.

6.5. Агар суғурталовчига тақдим этилаётган ҳужжатлар хорижий мамлакат худудида берилган бўлса, улар тегишли тартибда расмийлаштирилган бўлиши, хусусан апостилга эга (мавжуд бўлса) ва/ёки нотариал тасдиқланган таржимаси бўлиши шарт.

6.6. Шифокор ёки ваколатли орган ходими ёзувининг ўзига хос хусусиятлари, шунингдек ҳужжатнинг яхлитлиги бузилганлиги сабабли ўқиб бўлмайдиган ҳужжатлар тақдим этилган тақдирда, суғурталовчи даъво қилинган ҳодиса тўғрисидаги қарорни тегишли сифатли ҳужжатлар тақдим этилгунга қадар кечиктиришга ҳақлидир.

6.7. Суғурталовчи томонидан суғурта товонини тўлаб бериш учун зарур ҳужжатларнинг этишмаслиги аниқланган ҳолларда, бу ҳақда Суғурта қилдирувчи (Наф олувчи)га камчилик аниқланган вақтдан бошлаб беш иш куни давомида ёзма хабарнома юбориши шарт.

6.8. Суғурталовчи тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси ходимларининг асоссиз хулосалари, давлат ваколатли органи ходимлари томонидан ногиронлик ва бошқа ҳужжатларнинг қонунга хилоф равища берилгани устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилишга ҳақли.

6.9. Суғурталовчи суғурта ҳодисаси бўйича қарор қабул қилишга ҳақли, агар Наф олувчи ёки унинг вакили томонидан ушбу бўлимда кўрсатилган барча ҳужжатлар тақдим этилмаган тақдирда ҳам.

7. СУҒУРТА ТОВОНИНИ ТҮЛАШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ

7.1. Суғурталовчи суғурта ҳодисаси юз берганда, Наф олувчига, суғурта ҳодисаси содир бўлган тегишли давр учун кредит шартномаси бўйича қарзни тўлаш жадвалида белгиланган асосий қарз қолдигига teng миқдорда бир марталик суғурта тўловини амалга оширади.

7.2. Агар суғурта ҳодисаси юз берган пайтда кредит шартномаси бўйича асосий қарз суммаси тўлиқ миқдорда муддатидан аввал қайтаришган ёки нолга teng бўлса, у ҳолда Суғурталовчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларида Суғурталанган шахс билан суғурта ҳодисаси юз берган кундаги белгилаб берилган базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари ҳажмидаги бир марталик суғурта тўловини Наф олувчига тўлаб беради. Бунда мазкур юз берган суғурта ҳодисаси бўйича суғурта тўлови миқдори суғурта шартномасида белгилаб берилган суғурта пули миқдоридан ошмаслиги керак.

7.3. Суғурталовчи суғурта шартномасида назарда тутилган барча хужжатларни олган кунидан бошлаб 15 (ўн беш) иш кунидан кечикмасдан суғурта тўловини амалга ошириши ёки ёзма равишдаги асосланган рад этиш тўғрисидаги жавобни бериши шарт. Агар суғурталовчи суғурта ҳодисаси содир бўлиши ҳолатларини кўриб чиқиш (текшириш) жараёнида давлат органларига ва бошқа ваколатли органларга, тиббиёт муассасаларига ва ҳ.к.га суғурта белгисига эга воқеани кўриб чиқиш учун зарур маълумотлар тақдим этишни сўраб мурожаат қилган бўлса, суғурталовчи суғурта тўловини амалга ошириш тўғрисидаги ёки уни рад этиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш муддатини, сўровларга жавоб олинган кундан бошлаб ўн беш иш кунига узайтириши мумкин.

7.4. Суғурта товони Наф олувчи томонидан кўрсатилган банкдаги ҳисоб рақамига ўтказиб берилади. Тўловлар бўйича ёки суғурта товонини пулларини ўтказиш бўйича харажатлар Суғурталовчининг ҳисобига амалга оширилади, агар тўлов ва ўтказмалар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширилаётган бўлса.

7.5. Суғурталовчи ушбу Суғурта шартномасига кўрсатилган барча хужжатлар Суғурта қилдирувчи ёки Наф олувчи ёхуд уларнинг вакиллари томонидан тақдим этилмаган тақдирда ҳам суғурта ҳодисаси бўйича қарор қабул қилишга ҳақли.

8. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

8.1. Ушбу суғурта шартномасига тегишли барча билдириш, ариза, хабарнома, тушунтириш хатлари улар жўнатилганини тасдиқлашга имкон берувчи усулда бажарилиши керак.

8.2. Тарафлар суғурта шартномасининг шартларини бажармаганликлари ёки лозим даражада бажармаганликлари учун ушбу Суғурта шартномаси ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

8.3. Суғурта шартномасида тартибга солинмаган масалалар Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ тартибга солинади.

8.4. Тарафлар ўртасида юзага келган суғурта шартномасига доир барча низолар даъволар тартибида кўриб чиқилади.

8.5. Низо юзага келган тақдирда, Тарафлардан бири бошқа тарафга низони суддан ташқари ҳал қилиш зарурлигини кўрсатувчи ёзма талабнома юборади. Уни олган томон талабнома қабул қилинган кундан бошлаб 15 (ўн беш) календар кундан кечиктирмай кўриб чиқади

8.6. Агар юқорида кўрсатилган муддат ичидаги даъво юборган тараф бошқа тарафдан ёзма жавоб олмаса ёки Тарафлар ўртасида низонинг моҳияти тўғрисида келишувга эришилмаган

бўлса, келишмовчилик сугурталовчининг жойлашган манзили бўйича суд томонидан ҳал қилиниши керак.